Ўтган сешанба кун Исроилда бош вазир сайловига бағишланган мuddатидан илгари умумхалқ сўрови бўлиб ўтди. Бу галги сайловлар минтақадаги ўта нуқул-шароитларда амалга оширилди.

Чунки, ўтган йил сентябрдан буюн Исроил билан Фаластин мухторияти ўртасидаги можаролар кескин салбий йўналишга кирган эди.

Нима учун мuddатидан илгари сайловлар ўтказилди? Чунки, юқорида айтганимиздек, Исроил билан Фаластин ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, диний қарама-қаршиликлар ўз ечимини топмади. Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиб жараёни боши берк кўчага олиб келишга ҳисил қилинган эди. Ана шундай бир муш-қилликлар амалда-

### ХАЛҚАРО ШАРҚ

Ҳудуд барқарор фаолиятидан кескин норози бўла бошладилар. Бунинг боиси бор эди. Мустиқил Фаластин давлатини эълон қилиш, ал-Қуддус шаҳрининг пойтахт сифатидаги мақомини белгилаш, ал-Қома масжидининг истиқболни тўғрисидаги тортишувлар тобора қалтислашди. Бу йўлдаги қатор учрашувлар, Е.Барак билан Фаластин раҳбари Е.Арофат ўртасидаги мулоқотлар, АКШ президенти Билл Клинтон ҳомийлигидаги юзма-юз фикр алмушувлардан ҳам аризулик фойда чиқмади. Франция президенти Жан Жак Ширак, Миср раҳбари Мўхаммад Хусни Муборак, Урдун подшоҳи Абдуллоҳ II, Сурия давлати бошлиғи Башар Асад каби йирик сиёсатчиларнинг сай-й-харақатлари ҳам зое кетди. Кэмп-Дэвид, Вашингтон, Нью-Йорк, Париж, Шарм-аш-Шайх анжуманларида ҳар бир томон ёнбосмади. Алқисса, масала Е.Баракни истеъфога чиқариш талабига бориб талалади.

Бу галги сайловда, асосан, икки киши - амалдаги бош вазир, ўнг марказ иттифоқи раҳнамоси Ехуд Барак ҳамда истеъфодаги генерал, собиқ мудофаа вазири, "Ликуд" партияси ўнг ханотининг раҳбари 72 яшар Ариел Шарон белгилашди. Сўнги кунларгача халқ кимнинг номзодини кўпроқ ёқлаб овоз бериши мавҳум бўлиб турди. Чунки, Исроил фуқаролари асосий қисмининг хафсаласи Е.Баракдан пир бўлган эди. Исроилда истиқомат қилувчи 12,3 фоиз фаластинликлар умуман сайловда қатнашмаслик фикрини билдирдилар. "Рус ёқудийлари" деб аталган қатлам эса иккиланган эди.

Сайловларда тартиб-интизомни сақлаш учун 15 миң полициячи жалб этилган бўлса ҳам можаролар сайлов соатларида ҳам тингани йўқ. Фаластинликлар катта-катта намойишлар билан кўчага чиқдилар. Айрим шаҳар ва минтақаларда "Ғазаб кунини" эълон қилинди. Аҳен-аҳенда отишмалар ҳам бўлиб турди.

Ҳарна бўлганда ҳам бош вазир сайлови бўлиб ўтди, ҳисоб. Аммо, овоз беришининг бориши ўта суст кетди. Айтишларича, аҳолининг 60 фоизигина ўз хоҳиш-иродаларини намойиш қилдилар. Сайловларнинг дастлабки соатлариданоқ тарози палласи А.Шарон томонига оға бошлади. У рақибидан 20-25 фоиз олдинда борди. "Қишлоқ ҳаёти" саҳифаланаётган жаҳонда сўнги акуний натижалар эълон қилинганда бўлса-да, қайта оммавий ахборот воситалари шарҳловчиларининг фикрига қараганда, А.Шарон галаба қилган. Бугун-эрта сўнги натижалар эълон қилинади.

### Р.УМАРОВ,

### сиёсий шарҳловчи.

Гулистон туманида ўтган йили қўллаб ҳўжаликлар пахта, галла тайёрлаш шартномавий режаларини бажара олмади. Натижанда, мўлжалланган даромаддан маҳрум бўлишди, деҳқон ҳамёни сармоя кўрмади. Кўплар буни оби ҳавога, сув танқислигига йўйишса, айримлар эса: "меҳнат қилган, изланган, доғда қолмади", деган фикрни билдиришмоқда. Хуллас, турли сабабу баҳоналар кўп.

"Ўзбекистон" деҳқон-фермер ҳўжаликлари уюшмаси тасарруфидаги экин майдонлари Сирдарё соҳилларига яқин жойлашган. Сув пахтакор галлакорларнинг шундоқ ёнгинасидан оқиб ўтади. Саратон чиллада ҳам оби ҳаёт бўлади бу дарёда. Қучли электр насослар ҳам ўрнатилган. Дарё сувини экинзорларга олиб борувчи ариқ, каналлар бисёр. Не ажабки шундай қулай табиий шароитда режалар ўнда-жўда қолиб кетса? Деҳқон тер тўксаю хирмон кўтарганда чехраси очилмаса?

## ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ КЎРКАМЛАШАДИ

Республика Ирригация илмий-тадқиқот институтида табиий сув сифатини яхшиловчи сузгич яратиш бўйича ижобий натижага эришилди. Сузгичларнинг бошқа турларининг тазалаш имкониятлари ўрганилиб, уларнинг конструкциялари яратилди ва улардан фойдаланиш ҳаудалари ҳамда соҳалари аниқланди.

### ДАВР

Қишлоқ ва сув ҳўжалигида, энг аввало, коллектор-дренаж тармоқларини қуриш ва таъмирлаш давомий механизацияни янада ривожлантириш мақсадида машина ва механизмлар тизими ишлаб чиқилмоқда.

Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СФУ) ташкил этилганлиги муносабати билан деҳқон ҳўжаликлари режалари равишда фермер ҳўжаликларига айлан-тирилмоқда. Қатор вилоят ҳокимликларига уларни қайта тузиш, молиялаштириш, уларга

(Боши 1-бетда)

2000 йилда ўртача 70, 2 центнердан ҳосил олинди, илгор ширкатлар, пудратчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари гектаридан 80-90 центнердан ошириб дон ҳосили етиштиришга эришилди. Бу бошқоқ дон экинларидан юқори ҳосил етиштиришда хали қўллаб имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Бошқоқ дон экинлари попул илдизи ўсимликлар руҳига кирди ва сувга, озука моддаларига ўта талабчан. Унинг ҳосилдорлиги тупроқ унумдорлигига бевосита боғлиқ бўлиб, ўрта, оғир механик таркибли унумдор тупроқда яхши ўсади. Ўсимликнинг илдизи асосан ҳайдов қаватларда ривожланади. Шунинг учун ҳам бошқоқ дон экинларини дондор тупроқли унумдор ерларга жойлаштириш мақсада мувофиқдир.

Бир майдонга кетма-кет галла экиш тавсия этилмайди. Чунки, галланинг асосий илдизи қисми ернинг ҳайдов қаватларида жойлашини ҳисобга олсак, юқори қатламдаги тупроқнинг унумдорлиги пасаяди. Натижанда ушбу майдонларда бегона ўтлар қўйиб, кўчат-



ЖАРАЁН

-Ерлар сифатсиз, саёз, ҳатто, баҳорда ҳам ҳайдалаверган, ариқ-зовурлар лойқага, балчиқа тўлган, - дейди янги раҳбар Абдуқобул Саробоев, - тупроқ шўри ювилмас, пудратчилар, деҳқон-фермерларнинг самарали ишлашлари учун зарур имкониятлар яратиб бермасак, бош айбдор ўзимиз бўламиз-да.

Уюшмада янги йилда ишлар ўзгача ташкил этилганини гувоҳи бўламиз. Буни қарангки, ҳатто, қишлоқ аҳоли томоқларига ҳам сув келмай қолган экан. Қўламага тайёрларлик, энг аввало канал, ариқ-зовурларни тозалашдан бошлангубди. Ишга ярқили барча аҳоли қўлига кетмон, белқурак, паншаха олиб сўғориш шохобчаларини тартибга келтиришга киришилди.

## ИБРАТ

Деҳқон ва фермер ҳўжаликлари уюшмаси Когон тумани вакилиги етақчиси Бафо Нарзиевдан илгор фермерларни сўраганимизда, у Жўра ака Бобомуродов ҳақида сўз очди. Тажрибаси катта, фаолияти яхши, келажакда режаларини амалга ошириш учун етарли имкониятларга эга, деб қўйди раис.

Дарҳақиқат, Жўра акани чин маънодаги тадбиркор десак бўлади. У одади буйича бугунги ишнинг эртага қолдирмайди. Ун йилдирки, фермерликда фаолият кўрсатётган бу қишлоқ ишбилармони эл озгига тушиб қолди.

Жўра ака дастлаб бандан қарз олтиб, Қозғоистондан қораловотли моллар келтириб, фермерликка асос солди. Оила аъзолари унга қўшқанот бўдилар.

1993 йилда фермер ҳўжалигида чорвачилик янада ривожлана бошлади. Шартнома асосида қорхоналарга арзон нарҳда гўшт ва сут етказиб берилади.

## ЖЎРА ФЕРМЕР

Озука экинлари ҳосилдорлиги ошди. Бу эса пировардидан ички шарт-шароитларни яхшилаш, тармоқни кенгайтиришга ундади. Оила кам-қустини тўлдирди.

Фермер Ж. Бобомуродов сўнги икки йилда пахтачилик билан ҳам шуғулланмоқда. Бултур 500 миң сўмдан ортиқ маб-лар, 9 тонна шелуха, 11 тонна

2000 йил баҳорда 2 қути ипак қурти боқиб, 150 кило сифатли пилла ҳам топширган.

Фермер ҳўжалигида айни пайтда 22 бош қорамол, 10 бош қўй-қўзи ҳам бор. Хусусий мулк эгалари 2000 йилда 6 тоннадан зиёд сўт, сўт тонадан ортиқ гўшт етиштириб, элдастурхонига тортиқ этдилар. Галпинг очиги

зорва моллар махсусдорлигини янада ошириб, даромадлик қўйайтириш мумкин эди. Афсуски, озука экинлари майдони атиги 2 гектар, хонос. Чунки ҳудудда аҳоли эич, ер оз. Шу боис бошқа имконлар изланмоқда.

Анқирго, "Нурафшон" ширкат ҳўжалиги ҳудудида янги ўзлаштирилган ерлар бор. У техникаси бор тадбиркорга берилса, икки-уч йилда қўзланган ҳосилни олиш мумкин. Жўра ака "ДТ-75", "МТЗ-80", "Т-28", "ТТЗ-30" тракторлари, 3 та теллежжа, омонч, культиватор, чи-

## ТУПРОҚ УНУМДОР, УРУҒ САРА БЎЛСА

Ана шу мақсадда мамлакатимизда кейинги йилларда галла уруғчилиги соҳасига алоҳида эътибор берилмоқда. Юқори ҳосилли ҳўжаликлар галла уруғи етиштиришга ихтисослаштирилмоқда.

Ҳўжаликларда кузги галланинг бир текис чўқуриликка қўйилиши, уруғлигини белгиланган меъёрга сарфлангани, уларни тўлиқ ундириб олиш, сўғоришнинг бир текис, сифатли олиб борилишини таъминлашда ерларни текислаш муҳим аҳамият касб этади. Галла экиладиган майдонларни 35-40 см чуқурликда ҳайдаш, ҳар бир даланинг балл бонитетида қараб олдиндан гектарига 10-15 тонна маҳаллий ўғит, 100-120 кг. соф ҳолда фосфорли, 80-100 кг калцийли ўғит сошлаш тавсия этилади. Муताхассислар экиладан олдин ерларни бронза қилиб, молда босиш зарурлигини таъкидлашди.

Улар майин тупроқ ҳосил қилинмаса, уруғнинг 6-8 фоизи касаклар остида қолиб кетишини доимо ўқитишади.

Фалладан қорқим ҳосил етиштиришининг

энг асосий омилларидан яна бири экинни белгиланган қулай мuddатларда эди эттириш. Кўп йиллик тажрибалар бошқоқидонни Қоракалпоғистон ва Хоразм вилоятида сентябр, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларида сентябр ойининг охири, октябр ойининг биринчи ўн кунлигида, Самарқанд, Тошкент, Навоий, Бухоро, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида эса октябр ойининг ўрталарига қолдирмай экиб бўлиш яхши натижа беришини кўрсатмоқда.

Ҳар гектар майдонда экиш меъёри 4, 5-5,0 миллион донга унвунчан уруғ ҳисобидан келиб чиққан ҳолда, уруғ тузиш чуқурлигини эса ҳар ҳўжаликнинг тупроқ-иклим шароитларини, галла навларининг биологик хусусиятини эътиборга олиб белгилаш мақсадга мувофиқ. Экиш чуқурлигини намлиқ миқдори етарли бўлган майдонларда 4 см, тупроғи енгил, намлиқ тез кўтариладиган, айниқса, кам сув

майдонларда эса 5 см қилиб белгилаш ўринлидир. Бошқоқидон ҳаддан ташқари чуқур ташланса, унинг униб чиқиш қуввати етишмаслиғи натижа-сида уруғ нобуд бўлади, натижада кўчатлар сийраклашади. Ҳўжаликларда галла экишдан олдин фосфорли ва калийли ўғитларнинг йиллик миқдорини бериш яхши наф беради. Бу галла ниҳолларининг чуқур илдиз отишига, бақувват ва соғлом бўлишига, қўллаб миқдорда тушлашга имкон яратади.

Тахлиллар республиканинг қатор ҳўжаликларидо уруғни экиш чуқурлигига риоя қилинмасдан, айрим майдонларда уруғ тупроқнинг чуқур қаватига тушиб қолишига йўл қўйилганлигини кўрсатди

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ БОБОКАЛОНИ

(Боши 1-бетда)

Бунинг асосий сабаби шундаки, Навоий даврига келиб форс шоирларининг сазй-харакатлари билан форс поэтик тили юқори босқичга кўтарилган эди. Форс тилида тақдири азал, сиёҳ рўза, субҳи азал, шамъи шабистон, захри ғам, дурри ғалтон, абри баҳор, дашти фано, тарихи пайванд, пари пайкар каби мажозий иборалар, фақир, зохид, зухд, фано, фасона, жом, ваҳдат синга-ритасавуф истилоҳлари шакланган эди.

Ўзбек тилида уларни ўрнини босадиган сўз ва бирикмалар йўқ эди. Иккинчидан, ўзбек тили кўп шевага бўлгани учун турли шевада турли сўзлар ишлатилар эди. Масалан, бир шевада эрта, бошқасида тонгла. Бир шевада елмак, иккинчисида югурмак. Айрим шевада том қўланса, ўзга шевада девор қўланган. Алишер Навоий "Лисон-ут-тайёр" да халқ сўзини ишлатса:

Тенгри олдида муножот айлади,  
Халқ учун ихзори ҳожаат айлади.

"Лайли ва Мажнун" да улус сўзини қўлайди:

Баским келибон улус уёти  
Қаъд ўлди иккинсининг ҳаёти.

Худди шунингдек, "Фарҳод ва Ширин" да ҳаммага маълум киз сўзини ишлатса:

Суманбар хидматда тўрт уз киз  
Ки отланмас эди харгиз буларсиз.

"Лайли ва Мажнун" да шивага хос ётлик сўзини қўлайди:

Бир ётлиги бор эмиш париваш  
Боштин-аёғу латифу дилхаш.

Маълумки, эски ўзбек тили "а" ли, "у" ли, "э" ли, "ў" ли, "и" ли шевалардан ташкил топган бўлиб, уларда сўзлар турлича талаффуз қилинган. Масалан: овоз, товуш маъносидда эски ўзбек тилининг "у" ли шевада ун ва

"и" ли шевада ин сўзлари ишлатилган. Хар иккала сўз "Лайли ва Мажнун" да учрайди: Чун кўрд энаси бу қаро кун,  
Чеки бу қаро кун ичра бир ун.  
Хушвақт ўлубон кўпуб тарабнок  
Индатти қабила аҳлини пок.

Эски ўзбек шеваларида олди маъносидда икки сўз қўлланилган: "а" ли шевада ал, "и" ли шевада ил. Шоир хар иккала сўздан маҳорат билан фойдаланади. Ал сўзи куйидаги байтда таркибда сақланиб қолган:

Гар ул шўх фарёдинга етмаса  
Навоий, шох аллинда фарёд қил.

Ил сўзи илай шаклида учрайди: Нафсинга не зулм бўлса мақсуд,  
Шаҳни илайингда айла мавжуд.

Бугунги сакради эски ўзбек тилининг "и" ли шевада сикриди шаклида бўлган:

Коплон киби сикриди ётоғдин,  
Ёйлаки кўх газоли тоғдин.

Итилган сўзи "Лайли ва Мажнун" да "ў" ли, яъни йўқилган шаклида учрайди:

Ваъзи ики шамъким йўқилган  
Андух шамоли тийра қилган.

Ундан ташқари айрим сўзлар турли маъноларда ишлатилган. Масалан, кўл сўзи киши организмидан ташқари тоғ ёнбошидан чиққан йўл маъносидда ҳам ишлатилган:

Тоғдин кўпуб айлади куйи майль  
Хар қўлга тўқуб сирришқидин сайл.

Хеч шубҳасиз айтиш мумкинки, сўзларнинг турли хил грамматик формалари ҳам шоирлар учун маълум қийинчиликлар туғдирган: қўлбамдаву-қўлбамдаю, этмағи-этиши, кетмағи-кетиши, итурғум-йўқ қилма-ман, сургум-суриб ташлайман:

Сўнгра сенга доғи қах сургум,  
Хайлингни бу даштин итурғум.

Кўлбамдаву масканимда бу ўт

Жонимда бу ўт, танимда бу ўт.

Жам эттики кетмағи керакдур,  
Жон таркини этмағи керакдур.

Ўзбек шеваларида бунга ўхшаш хилма-хилликлар шоирларга бирмунча қийинчиликлар туғдирарди. Шу сабабли ўзбек шоирлари осон йўлдан бориб тайёр сўзлардан фойдаланишни афзал кўрардилар. Дарҳақиқат, турли маънодаги кўл сўзи ўрнида тайёр даст сўздан фойдаланиш осон эмасми? Турфа шаклдаги ин ва ун ўрнида тайёр товуш сўзини ишлатиш қулай-ку!

Мана шунга ўхшаш турли хилликлар туфайли ўзбек шоирлари форс тилида ижод қилишни давом эттирдилар. Натижада ўзбек поэтик тилини яратди Алишер Навоий зиммасига тушди. У давтавал тасавуф сўз ва ибораларини яратишга бел боғлади. Айрим ибораларни форс тилида қандай бўлса, шундай ҳолатда ишлатди: чархи пурфан, ҳамду сано, занжири жунун, субҳи аъзал, майи ишк, меҳри ҳовар, кишвари хусн, баҳори нозпарвард. Бошқаларини ўзи таржима қилиб ўзбек тилига олиб кирди: аҳли дин – дин аҳли, нақди жон – жон нақди, қасди жон – жон қасди, риштаи жон – жон риштаси, шарбати ғам – ғам шарбати. Ундан ташқари Алишер Навоий ўзбек шеваларидаги сўзларни йиғиб, тўплаб ўзбек тилига олиб кирди. Биринчи бўлиб ўз асариде ишлатди: оқ сўнғак, аргуштак, манглай, тул, тўш, ёлин, мунлуғ, мангиш... Ана шу йўл билан шоир ўзбек поэтик тилини яратди. Ўзбек тилининг ривожланиши учун асос солди. Шу туфайли биз шоирни хурматлаймиз, эъзозлаймиз.

Эргаш УМАРОВ.



От изини той босар.

Б.АКРАМОВ сурат-лавҳаси

ТУРФА ОЛАМ

ВАШИНГТОННИНГ БАҲОСИ

Машхур "Christie's" аукциониде одатдагидан бошқачароқ ким ошди савдоси бўлди.

Унда Американинг биринчи президенти Жорж Вашингтон сурати чизилган, 7 сантиметри портрет 1,2 миллион долларга баҳоланди. Афсуски, харидор ўзининг номини эълон қилишлари учун журналларга розилик бермади.

БЕЧОРА ЭРКАКЛАР

Колумбия пойтахти Богота шаҳрининг янги ҳокими Антанас Мокус фақат эркаклар учун комендантлик соати эълон қилмоқчи.

Босни, сўнгги вақтларда мамлакатда жиноятчилик ва йўл-транспорт ҳодисалари кескин кўпайиб кетган. Маълум бўлишича, жиноятчиликнинг 15 фоизини аёллар қилган ақсарит қисмини эса эркаклар содир этмоқда. Энди, кечқурунлари эр-хотин уришиб қолишса, эр бечора кўнага чиқиб кета олмасдан, умр йўлдошининг қош-қовоғига термулиб ўтираверади.

ОЛТИН ХОЧ ЎҒРИЛАРИ

Молдовадаги черковларнинг бирига яқинда номаълум шахслар дераза орқали киришиб, 2 та олтин хоч ҳазор бир қанча қимматбаҳо тошларни ўғирлаб кетдилар.

Энг қизиғи, черковнинг қарама-қарши томонда Молдова хавфсизлик ва ахборот қўмитаси биноси жойлашган бўлиб, ўғирлар шундан ҳам чўчиманганлар.

АЖАБО

Эллигинчи йиллар, урушнинг захри энди унут бўлаёзган пайтлар эди, - деб эслайди қишлоғимизнинг ҳексабди қолган кампирларидан бири Санобар момо.

Адашмасам август ойи бўлиб, биз, бир гала кариндошлар қаторлашиб сулаға жой солидик-да улашға ётдик. Орамизда қўлидаги бир ишар гўдаги билан ётган амманнинг келини

БЎРИНИ ҚЎРҚИТГАН АЁЛ

ҳам бор эди. Уйку келавермаған ўтган-кетгандан, болалик хотирлардан галлашдик. Хуллас, гурунг лаша-гурунглаша ухлаб қолибми. Бир маҳал бир нараса "пиш-пиш" этди, нималигини англамайман. Балки тушимдир, дея юзминни чимчилаб ҳам кўрдим, йўқ ўнгим экан. Мундоқ бошимни кўтариб қарасам, келинимизнинг олдида баҳайбат шарпа кўринди. Дикҳат билан разм солсам кўларанг бўри экан. У боланинг кўрпасидан тишлаган ҳолда турар, чамамда, "ўлжа"ни қандай қилиб олиб кетиш ҳақида "бош қотирарди".

Нима қилишимни билмайман, аксига олиб овозим ҳам чикмайди. Тинмай калимани қайтараяман. Шу пайт гойибдан келдимки, ёки худойимнинг менга берган ўша лаҳзадаги ботирлигини, ишқилиб, ўзимда гайритабиий куч ҳис қилдим ва бор овозим билан қичқириб юбордим. Бўри мендаги бу "портлаш"-ни кутмаган шекилли, тумтарай бўлиб қочиб кетди. Қариндошлар ҳам уйғониб қолди. Ахир, чинқирик ҳам роса даҳшатли бўлган эди-да!

Момонинг сўзларини Мақсуд ЖОНИХОНОВ ёзиб олди.

ШОҲСУПАДАН БАЛАНД ҒУРУРЛАР

(Боши 1-бетда)

ЧИҚМАГАН ЖОНДАН УМИД...

Таникли полвон Мирхайдар Мухамедовнинг қадди-бўйига сўх билан қарайдиганлар кўп эди. Хатто, қизлар орасида ҳам. У эса парво қилмас, келбатли, хушбўчим гавдасини ғоз тугиб, керилиброк юриши билан атрофини ўзига махлий этарди. Тўйларга айна катта тавоқ эълон қилинган пайтларда кириб борарди. Бу баъзиларни саросимага туширарди. У эса дўстларига табассум ҳам ҳада этмай, ечина бошларди. Асосий рақиб ким бўлиши унга аён. Рақиб эса "қаёқданам келиб қолди, бу бало" деган вазмин ўйини бирова билдирмай, оҳиста-оҳиста юриб гиламга чиқади. Қаршида турган шердай йиғитнинг ўткир нигоҳлари "совриндан умидингни уз" дегандек унга қадалади. Енгилдим дейиш – ному, олишувни ташлаб чиқиш – гурур. Фақат ... чиқмаган жондан умид.

АКМАЛ ПОЛВОН

Ғиждувонлик Акмал полвон қаттиқ курашарди. Икки-уч йил уни кураш ги- (Охири. Боши ўтган сонларда)

ламларида йўқотиб қўйдим. Кураги деярли ер кўрмаган полвонни соғиндим, албатта. Кидирдим. Топдим. Бироз семирдиб, тўлишиб, кўркамлашибди. Оғирлик тушириш ваҳимаси йўқда. Шогирдлар тайёрлаётган, деди полвон. Биз етмаган орзуларга шулар етсин. Уни шогирдларнинг курашини Ғиждувоннинг пахта байрамиде кўрдим. Кўпларни чирпирак қилди, азаматлар. Акмал икки-уч йил беҳуда вақт ўтказмабди, деган таскин билан хайрлашдим. Шогирдларингни камолини кўр, Акмал!

ШАШТИ БАЛАНД ЙИГИТ

Ёш полвон Бобуржон Очловни синчиклаб кузатиб юрибман. У гиламга қулиб тушиб, қулиб чиқиб кетади. Шу пайтгача унинг чеҳрасида бирор марта ҳам ҳадик кўрмаганман. Шашти баланд йиғит. Шўхрат Хўжаев, Ақобир Қурбонларнинг кураши менга ёқади, - дейди у. Демак унинг ўлнов мезони ҳам баланд. Орузси – жаҳон гиламларига. Вақти келиб, ўша номдор гиламларда ҳам сенинг қулиб чиққанлигингни кўрай, Бобуржон! Чунки, сен ориятни устун билган инсон фарзандисин. Эшитяпсизми, Ражабой ака, ўғлингиз сиздан рухий мадад сураётми. "Балли, ўғлим", десангиз бас.

ЛАБИҲОВУЗ БЎЙИДА

Кекса полвон, тажрибали муаллим Файзулла Неъматов хонадонига тез-тез бориб тураман. Соатлаб шакар-ғуфторлик қиламиз. Кейинги борганимдаги суҳбат шундай кечди: Полвон домла аёли келтириб қўйган чоини икки-уч бор қайтарди. Пахта гулли қўш пиёла ўртада айлана бошлади.

Кўпдан буён Лабиховуз чойхонасининг хумори тугиб юрибди, - деягини бамайилхотир давом эттирди устоз. - Ҳар икки-уч ойда бориб турардим. Билсангиз, домлангизнинг навқиронлик пайтларига сирдош – бу жой. Ҳовуз атрофида сайл бўларди у вақтлар. Айниса, байрам кунларида турли хил таом ва ширинликларнинг хуштаъм бўйи димокдан аримасди. Курашга иштиёқим баланд эди. Мусобақа бўладиган кунлари эрта тонгданок ҳовуз майдониде кураш гиламларини ёйиб қўйиларди. Тумонат одам йиғиларди. Кўп бор кўкрак кериб чиққанмиз. Кураш мавзусида шёърлар ҳам ёзганман. Биттасини эшитасиз-а:

Лабиховуз бўйида  
Ўтириб тўрт-бешта чол,  
Ширин суҳбатдан яйраб,  
Чой ичмоқда бемалол.  
Авжа чиқади суҳбат,  
Сукутдадир балхи тут,  
Курашдан сўзлар чоллар,  
Қарилик бўлган унут.

Ҳовуз – кураш майдони, Бўлганини хотирлаб, Сўзлайди кекса полвон, Вужуди титраб-титраб. "Тер"га ботган тулгарга, Чоллар мамнун қарайди, Тўтлар – курашдан чиққан Полвонларга ўхшайди.

Лоп этиб Лабиховуз ҳаёлимдан ўтади. Фавворалар сувидан чак-чак тер оқиб турган қари тулгар ростдан ҳам полвон боболаримиз қадди-бастига ўхшаб кетар экан. "Қиёс чиройли" деб қўйдим секингина. Домла ҳамон полвон гурури ҳақида сўзлардилар. Мен эса полвон домлани Лабиховуздаги қайси тутга ўхшатиш билан ҳаёлан овера эдим. Бунча ҳам сержилва бўлмас сўз қурмағур...

СЎНГГИ СЎЗ

Китобда яна жой қолди. Кўнглимда ҳали ёзилмаган, айтилмаган сўз кўп. Чунки, номдор полвонларнинг юзлаб, минглаб издошлари борлигини ўз қўзим билан кўрдим. Унлаб бўз болалар билан суҳбатда бўлдим. Қалбим тоғдек ўсди. Бўхоро кураши, Бўхоро полвонларининг доврқудорлиги олам кезишни давом эттиришига ишондим. Ушанда бу мўъжаз китобчага яна янги-янги боллар албатта қўшиллажак.

Иншооллоҳ, ўша кунларга бирга етайлик!  
Дилмурод ЖАББОР

СПОРТ ОЛАМИДА РАҚИБ – РАҚИБ-ДА!

Шу йилнинг апрел ойида Ўзбекистон терма жамоанинг футбол бўйича жаҳон чемпионати саралаш мусобақаларида иштирок этиши кўзда тутилган. Албатта, бу йилги чемпионатда рақиблари иорданликлар бўлганини ўчунми, футболчиларимиз анчагина енгил нафас олишмоқда. Бирок, рақибларнинг фикрича, Ўзбекистон терма жамоаси умуман "техникаси йўқ, майдонда жуда суст" ўйнаши сабабли бу жамоани ҳеч қийналмай ютиш мумкин эмиш. Нима ҳам дейиш мумкин? Рақиб, барибир рақиб-да! Шунинг учун бўлса керак, терма жамоаси аъзолари бу мусобақаларга ҳам ўз тайёргарликларини кўриб қўйишди.

ЯНА БИТТА ЧЕМПИОН

Яқинда бокс бўйича Лас-Вегасда ўтказилган жаҳон чемпионатида 63,5 кг вазн тоифасида россиялик Константин Цзю жаҳон чемпиони деб тан олинди. Албатта, америкалик Ш.Митчелл билан К.Цзю ўртасидаги жанглар муросасиз кечди. Аммо 7-раундда Мичеллга оёқдаги эски жароҳати панд бера бошлади. У қанча уриммасин, оғриқ азобиға ортиқ дош бера олмай, жангларни давом эттиришдан бош тортди. Гарчи Цзю очколар ҳисобида ҳам, барибир, голиб бўлса-да, рақибининг бу иштиқининг мутлоқ чемпионлигини янада яққолроқ исботлади.

РОССИЯ ҒАЛАБАЛАРДАН ЧАРЧАБДИ

Ўтган аср охирида катта шов-шувлар билан ўтказилган Сидней олимпиадаси ўйинларида Россия гандболчилари ўз муқддирининг жуда мамнун этишганди. Бу йилги жаҳон чемпионатида эса, афсуски уларга омад қулиб бокмади. Чорак финалда дарвозабон Лавровнинг қойилмақом ўйинларига қарамасдан улар Миср жамоасига ютказиб қўйишди ва оқибатда навбатдаги олтин медалдан маҳрум бўлишди. Франция терма жамоаси эса, шевдларни 28-25 ҳисобида маг-лубиятга учратиб, жаҳон чемпионлигини қўлга киритди.

"РЕАЛ"НИНГ АСР ТҮЙИ

Мадриднинг "Реал" футбол клуби айна кунларда кундалик машғулотларидан ҳоли бўлиб, ўзининг 100 йиллик олтин тўйини ўтказиш режасини тузмоқда. Маълумотларга қўра, тўй бачча беш кўтада бўлиб ўтади ва уни ўтказиш учун 60 миллион Америка доллари миқдориде маблағ ажратилади. Оммавий ахборот воситалари асосида тайёрланди.

"Кимёқишлоқмаш" очик турдаги ҳиссадорлик жамияти тақдим этади
Ўзбекистон ва Италия давлатлари ҳамкорлигида ишлаб чиқарилган "Сульфатор" пуркагичи
Пуркагич техника ва полиз экинлари, боғ ва тоқзорларни зарарли ҳашаротлардан сақлашда уларга кимёвий препаратлар билан ишлов беришга мослашган.
Заҳарли химикатларни кукунли ҳолда пуркаш ҳам мумкин.
У энг қулай ва замонавий ускуна ҳисобланади.
Мухтарам фермерлар, хўжалик ва ташкилот раҳбарлари!
"Кимёқишлоқмаш" агрегатларидан фойдаланиш!
Арзон нархлар, сифатли ускуналар!
Вентиляторли ОВХ - 600 пуркагичи
Пуркагич пахта майдонларини дефолиация қилишга мослашган.
Ундан йўл четларидаги ўт-ўланларни, бутазор ва дарахтларни дорилашда ҳам фойдаланилади.
ОВХ-600 агрегати МТЗ-80Х, Т-28Х4М,
ТТЗ-100К11 тракторларига тақиб ишлатилади.
ОВХ-600 агрегатининг бак сифими 630 литр.
Ташриф дуюринг ёки қўнароқ қилинг:
Тошкент ш. Т.Шевченко кўчаси, 54.
Тел. 56-58-37,
Факс: 55-68-11